

Farg'ona haqiqati

Вилоят ҳоқимлигида



ЎЗАРО КЕЛИШУВ АМАЛИЙ БОСҚИЧДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Германиянинг "Med Care24 GmbH" компанияси бош директори Евгений Поляновский, "Germany medical institute" таъсисчиси Ольга Эгелманн ва Фрайбург университет клиникаси илмий гуруҳ раҳбари Ирина Назаренкони қабул қилди. Бу ҳақда вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати хабар берди.

Маълумки, шу йилнинг июль ойида вилоятимиз делегациясининг Германияга амалий ташрифи чоғида Фарғонада фаолият юритаётган "Central Asian medical university" халқаро тиббиёт университети ҳамда "Med Care24 GmbH" компанияси ва "Germany medical institute" ўртасида умумий қиймати 5 миллион евро бўлган шартнома имзоланганди.

Ўзаро келишув доирасида шифокор ва тиббиёт ходимларини ўқитиш, тажриба алмашиш, илмий лаборатория ташкил этиш, беморларни ижтимоий дастурлар асосида даволаш, халқаро клиник ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Қабул чоғида келишувларнинг амалий босқичига ўтиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ТУРКИЯ ИНВЕСТИЦИЯСИ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ

Туркиялик ишбилармонлар вилоятимизга инвестиция киритишга катта қизиқиш билдиришмоқда. Шу мақсадда улар Фарғонага ташриф бурди.

Қабул чоғида вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Туркия Республикасидан инвестицияларни жалб қилиш бўйича вакил Билал Ширинга вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги инвестицияларни жалб қилиш бўйича гувоҳнома топширди.

Вилоятимиз раҳбари икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар тадбиркорлик муҳитини янги босқичга олиб чиқишига ишонч билдирди.

ХИТОЙНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА ИНВЕСТИЦИЯСИ МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТИБ ҚОЛДИ



ФАРҒОНАДА ЯНА БИР ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАГА ОҚ ФОТИҲА БЕРИЛИБ, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ.

Жами 350 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа уч қисмдан иборат бўлиб, у ягона мажмуани ташкил этади. Дастлаб Фарғона шаҳрида Хитой "Foshan" ишлаб чиқариш зонасида 70 миллион доллар ўзлаштирилади. Бу ерда 10 тадан 20 гача халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилади. Евроосиё халқаро савдо маркази қурилишига эса 55 миллион доллар инвестиция киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Farg'ona Yevrosiyo xalqaro savdo markazi loyihasi



АГАРДА ҲАВОДА ЧАНГ ВА ҒУБОР БЎЛМАГАНДА ЭДИ...

Долзарб мавзу:



Буюк олим, тиббиёт илмининг султони Абу Али Ибн Сино агарда ҳавода чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшashi мумкинлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Орадан асрлар ўтган бўлса-да, бобокалонимиз айтган фикрлар аҳамиятини йўқотгани йўқ. ДАРҲАҚИҚАТ, ТОЗА ҲАВО – ТАНГА ДАВО.

Афсуски, тоза ҳаво илинжида қайғураётган инсоният табиат "инжиқлик"лари олдида ожизлик қилмоқда. Аслида, она табиатимиз ўзига етказилаётган аёвсиз зарарлардан норози бўлаётгандай туюлмоқда назаримизда.

(Давоми 2-бетда).

Жамият оғриғи



“ПУЛ КЕТСА КЕТСИН, ОБРЎ КЕТМАСИН!”

ҚАБИЛИДАГИ ШОН-ШУҲРАТ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАН ТҮЙЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИКАН?

Тўй – инсон ҳаётидаги энг эзгу, қувончли, ўзига хос тантанали байрамдир. У икки ёшнинг тақдир йўлини бирлаштиради, икки оиланинг қуда-андачилик ришталарини мустаҳкамлайди. Бироқ кейинги йилларда айрим тўйларда ортиқча дабдабозлик, кераксиз хара-

жатлар ва исрофгарчилик ҳолатлари кузатилаётгани жамиятимизда жиддий муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ХИТОЙНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА ИНВЕСТИЦИЯСИ МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТИБ ҚОЛДИ

(Бошланиши 1-бетда).

Махмуани меҳмонхона халқаро бозорида юқори нуфузга эга "Hilton doubletree" компанияси бренди билан беш юлдузли сайёҳлик маркази яқунлади.

– Ҳозирда Фарғона вилоятида Хитой маблағи иштирокида корхоналар сони 273 тани ташкил этмоқда. Яна 100 га яқин лойиҳа устида келишувлар жараёни борапти, – деди тадбирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров. – Бугун қурилиш бошланаётган мажмуага ҳамкорларимиз жами 350 миллион доллар инвестиция киритишмоқда. Натижада 10 мингдан зиёд янги иш

ўрни яратилади. Бу, аввало, Хитойнинг Ўзбекистонга, унинг ташқи ва ички сиёсатига ишончи натижасидир. Тадбирда "Hunan Zhongwei group Co., LTD" раҳбари Чен Мингбо сўзга чиқиб, Ўзбекистонда яратилган қўлай инвестицион муҳитдан фойдаланиб, Фарғонада 48 гектар майдонда замонавий хайвонот боғи ва Шоҳимардон қишлоғида сайёҳлик учун бир неча километрли осма йўл қуриш лойиҳаси устида ҳам ишлаётганларини айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, янги лойиҳалар нафақат Фарғона, Балки Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигида катта аҳамиятга эга янги саҳифа очмоқда. – Бугун жуда хурсандман, чунки учта йирик лойиҳамиз – "Foshan"

ишлаб чиқариш саноат парки, Евро-Осиё халқаро савдо маркази ва "Hilton doubletree" меҳмонхонаси бир вақтнинг ўзида ишга тушди, – дейди "Hunan Zhongwei group Co., LTD" халқаро бўлим бошқарувчиси Эханг Хиаоли.

Қисқача айтганда, бу учта лойиҳа "олтин комбинация"га ўхшайди: – саноат парки ишлаб чиқаришни амалга оширади ва "Foshan" ишлаб чиқаришининг юқори сифатли маҳсулотларини бу ерга олиб келади; – савдо маркази эса маҳсулотларни кўрсатиш ва сотиш учун жавоб беради, уларни Европа ва Осиё бўйлаб осонлик билан сотиш имконини яратади; – "Hilton doubletree" меҳмонхонаси юқори сифатли бизнес ва дам олиш хизматларини тақдим этади, шу билан бирга, бу ерга ишга келган ёки саёҳат қилган дўстларимиз учун қўлай ўй бўлиб хизмат қилади.

Мазкур уч лойиҳа биргаликда Фарғона вилоятида тўлиқ ишлаб чиқариш занжирини яратади. Биргина саноат паркида оғир саноат ускуналарини таъмирлаш заводи, ёриткичлар ишлаб чиқариш, пўлат конструкциялари заводи, мебель комбинати, қадоқлаш фабрикаси қурилади.

Тадбир давомида йирик лойиҳаларнинг қўшма пойдеворини қўйиш тантанали маросими бўлди. Унда Фарғона вилояти ва Хитой расмийлари келажак авлодга ёзилган мактуб қабуллари биринчи бетон қуйилма остига қўйди.

Яқунлиб бораётган 2025 йилда биргина хитойлик тадбиркорлар Фарғона вилоятига киритаётган инвестиция миллиард долларга етиб қолди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ
олган суратлар.



КОРРУПЦИЯ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИДИР

АДОЛАТ ТУЙҒУСИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Дилшодҷон МАЛЛАЕВ,
Фарғона вилоят архив иши
ҳудудий бошқармаси бошлиғи



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ БУТУН ДУНЁ
МИКЁСИДАГИ ГЛОБАЛ МУАМ-
МОЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНИБ,
УШБУ ИЛЛАТНИНГ ТАЪСИРИ
ОҚИБАТИДА ЖАМИЯТДА БИР
ҚАНЧА ШАХСЛАР ТОМОНИДАН
ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР ЭРКИЛИГИ ПОЙ-
МОЛ ЭТИЛМОҚДА.

Коррупция – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ сифатида давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, бизнес, инновация киритиш жараёнларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Адолатсизлик ва порахўрлик авж олган мамлакатда тараққиёт ўсиши эса тобора сусаяди. Демак, кенг маънода бу мансабдор шахс ёки давлат хизматчиларининг нафақат порахўрлик жиноятларига оид қилмишлари, балки ўзларининг мансаб ёхуд хизмат мавқеини суистеъмол қилиб, шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида сиёсий ҳомийлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчиликка йўл қўйишлари ҳам назарда тутилади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари мустақамланиб бормоқда. Хусусан, 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига аъзо бўлишимиз, 2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонуни қучга киргани жамият кураши билан асосланган бериш учун барча асосларни яратиб берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазифа эканига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу сабабли ҳам коррупцияга қарши кураш, унинг содир бўлишига йўл қўймаслик бўйича қатъий чоралар кўриломоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон коррупцияга қарши курашишда ўз мақсадларига эга. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги Фармониди ҳам коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида мақсад белгиланган.

Хусусан, унда коррупциявий омилини бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш сифатида белгиланган. Бу борада давлат органлари ва ташкилотлари ҳодимлари ҳуқуқий онгини юксалтириш масаласи долзарб мавзулардан биридир. Ўз манфаатини йўлаб, моддий ва номоддий наф олиш илжини қонунга ҳилоф равишда ҳуқуқбузарликни содир этган ҳар бир шахс, албатта жиноятчи яраша жавоб беради.

Бугунги кунда республикамизда Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилган. Бундай иллат илдизини таг-томири билан қуритиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, давлат қўриқчилари ва ташкилотларида кенг қамровли тушунтириш, тарбият ишларини амалга ошириш агентлигининг бош мақсади саналади. Шу нуқтаи назардан қайд этиш

жоизки, республикамизнинг ҳар бир ҳудудда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Фарғона вилоят давлат архиви томонидан шу кунгача коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, давлат органларига бўлган ишончни суистеъмол қилмаслик шiori остида кенг қўламли ишлар йўлга қўйилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда Давлат хизматлари маркази ва Янгона интерактив давлат хизматлари портали орқали ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар тизими келиб тушмоқда. Бу жараёнда инсон омилининг ҳисқаргани, шубҳасиз, коррупцион ҳолатларни сезиларли даражада қамайтирди. Қолаверса, фуқароларнинг ортикча овозгарчилигига барҳам беришга хизмат қилмоқда.

Архив ҳужжатларини сохталаштириш, унга белгиланмаган тарзда ўзгарттиришлар киритишга йўл қўймаслик мақсадида ҳужжатларни сканерлаш жараёни амалга оширилиб, электрон ҳолатга келтирилмоқда. Эндиликда хизмат кўрсатиш сифати оширилиб, мурожаатлар ижроси шаффофлик билан таъминланмоқда.

Фуқаролар мурожаатларига жавобан берилаётган ҳужжатларда махсус штрих кодлар аслига тўри сифатида белгиланиб, сохталаштиришдек жиноий ишларнинг олдини олишга қаратилган. "Ҳалоллик вакцинаси" ва коррупцияга қарши кураш тадбирлари архив тизимининг устувор мавзуси сифатида эътибор қаратилмоқда.

Яна бир бор таъкидлаш лозим – архив тизимида рақамлаштириш ишларининг жадаллиги коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқмаслиги учун муҳим омил бўлмоқда. Сақловхоналардаги ҳар бир ҳужжатлар махсус сканерлаш жараёнидан ўтиб, электрон базага туширилиши натижасида коррупцион ҳолатларнинг олди олинмоқда. Архив ҳодимларининг ҳуқуқий салоҳиятини янада ошириш борасида маънавий-маърифий ўқувлар йўлга қўйилиб, қилинаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар тақдим этилмоқда.

Коррупция чегара билмайди! Шунинг учун ҳам бу иллат ҳамма давлатда ва ҳамма соҳани қамраб олгани сабабли уни батамом йўқотиш қийин кечади. Шундай бўлса-да, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Давлатимиз раҳбари жорий йил 5 мартда ўтказилган Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида айтиб ўтганидек, коррупцияга қарши кураш – умум-миллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртодошимизнинг виждон ишидир. Умуман, бу жараёндан ҳеч ким четда турмаслиги керак. Шу боис, коррупцияга нисбатан мурасиз бўлиш учун янада кўпроқ шароит яратиб, бунга кенг жамоатчиликни жалб қилишимиз зарур.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

АГАРДА ҲАВОДА ЧАНГ ВА ҒУБОР БЎЛМАГАНДА ЭДИ...

(Бошланиши 1-бетда).

Ҳаводаги чанг заррачаларининг миқдори кескин ошиши бугун кўпчиликни ташвишга солаётгани бор гап. Илгарилари кўз илғамас бўлган чанг массаси эндиликда ҳар қандай инсон бемалол англай оладиган даражага етди.

Ҳаёт учун хавфли ҳисобланган РМ2.5 заррачаларининг ортиши турли сабаб ва омиллар билан ифодаланмоқда. Хусусан, илмий тадқиқотларга кўра, Марказий Осиёда чўлланги кескин тезлашмоқда. Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги музликлар қисқариб кетгани қайд этилмоқда. Музликлар қамайиши билан сув таъқислиги юзага келди, қуроқчилик эса чўлланги жараёнини янада кучайтирмоқда. Бир-бирига занжирдай боғлиқ бўлган жараёнлар алоҳидалик тоза ҳаводан бизни мусову қилмоқда.

Жорий йилнинг куз фаслида ёмғир ёмагани атмосферанинг табиий ювчилигини тўхатиб қўйди. Натижада чанг заррачалари ҳавода узок сақланиб турибди. Чангнинг 30 – 40 фоизи табиий жараёнлар, жумладан чўлланги, қуроқчиликка тўғри келаётган бўлса, қолган қисми автотранспорт иси, қурилиш, саноат корхоналари чангининг ортиши ва

яшил ҳудудларнинг қисқариши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, чиқиндиларни қайта ишлаш каби соҳаларда фаолият юритаётган корхоналардан ҳавога ифлослантирувчи моддалар ёки кимёвий бирикмалар чиқиб, улар турли кимёвий реакцияларга киришиб, атмосферада иккиламачи ифлосланишга олиб келмоқда.

Қайд этиш лозимки, ҳавонинг ифлослини чегара билмайди. Бир йил олдин фақат пойтахтда кузатишган мазкур ҳолат, бугун вилоятимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Инсон сувсиз, овқатсиз бир неча кун яшай олади, ҳавосиз эса бир дақиқасига яшайди ҳолос. Шу боис, атмосфера ҳавосининг ифлослини шариоитида аксарият одамлар аллергия ва нафас олиш тизими касалликлари билан азият чеқмоқда. Қуруқ ҳаво массаси вирусли инфекцияларнинг яшовчанлигини ошириб, еш болалар ўртасида мавсумий касалликлар авж олди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳулосасига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 99 фоизи ифлосланиш даражаси меъёрий кўрсаткичдан юқори бўлган ҳаводан нафас олмақда. Бу эса нафас йўллари, юрак-қон томир тизими касалликлари ва умуман, организм учун жиддий

хавф туғдиради. Шунинг учун атроф-муҳитни хавфсиз ҳолатга келтириш борасида қилиниши лозим бўлган амалий чоралар долзарб бўлиб турибди.

Фарғона гидрометеорология маркази томонидан атмосфера хавоси ифлослини аниқлаш бўйича мунтазам равишда мониторинг амалга оширилмоқда. Ҳаводаги зарарли моддалар концентрацияси белгиланган давлат стандартлари ва қўлланмаларга мувофиқлиги қай даражадалиги аниқланмоқда.

– Ҳавонинг таркиби вақт ва маконда ўзгариши мумкин. Бунинг атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар, об-ҳаво шариоитлари, шунингдек, географик жойлашув белгиланган. Совуқ ҳаво паства, иссиқ ҳаво юқориди қолиб, ҳаво қатламлари аралашмайди. Шу боис, майда заррачалар паства тўпланиб, уларнинг миқдори кескин ошади. Бу ҳолат одатда ноябрь – февраль ойларида кузатилади, – дейди Фарғона гидрометеорология маркази раҳбари Мухиддин Жўраев. – Кузатувларимизга қўра, ноябрь ойининг охирида ёмғир ёмайди, декабрда ҳам ёғингарчилик кутилмапти. Шунинг билан, атмосферада табиий

ювилиш жараёни содир бўлмайди.

Дарвоқе, мазкур ҳолатлар экологини муҳофаза қилишда кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўришни тақозо қилмоқда. Мазлумки, шаҳар муҳитининг юқори чанглини шариоитида энг тезкор самарали чоралардан бири – йўл қоламаси ва унга яқин ҳудудларни намлашдир. Бу усул илмий асосга эга бўлиб, дунёнинг кўплаб шаҳарларида ифлосланиш авж олган пайтда қўлланилади.

Айни кунларда вилоятимизда ҳам марказий ва ички қўчалар махсус техникалар ёрдамида мунтазам ювилмоқда. Йўл бўйларида ўрнатилган сунъий сўғориш тизимлари ишга тушириляпти.

Кексаларимиз қўларини дуога очаркан, аввало, осмонимиз мусоффо бўлишини тилайдилар. Бу шундан далолатки, доимо тиниқ осмон остида яшаш, тоза ҳаводан нафас олиш – инсон саломатлигини мустақамлашди, эркин ва фаровон ҳаёт кечиршини таъминлайди. Тоза ҳаво нафақат инсон ҳаёти, балки давлат ва миллатнинг барқарор ривож учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Муаттар ТУРҒУНБОЙ қизи.



Олтиариқликлар ишнинг "КУЗИ"НИ БИЛАДИ

"ЕР ЭГАСИ БЎЛМА, МЕҲНАТ ЭГАСИ БЎЛ" ДЕГАН НАҚЛ ГҒЁ ОЛТИАРИҚЛИКЛАР ҲАҚИДА АЙТИЛГАН-ДЕК. ЧУНКИ ТУМАННИНГ ЕРИ ЗАР ЭМАС, БУ МАКОННИНГ ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИГИ УНИНГ МЕҲНАТСЕВАР, МИРИШКОР, УСТА, ХУНАРМАНД, ТАДБИРКОР, ФЕРМЕРЛАРИДИР.



Меҳнат аҳлининг бир қарич ердан барака топаётганининг боиси шуки, уларнинг ерга бўлган меҳри, яхши яшашга бўлган иштиёқи ўзгача, ҳатто етиштирилган нознеъматларни қандай сақлаш, қайси маҳсулотга қачон талаб қўлайишини яхши билишади. "Зилон" маҳалла фуқаролар йиғини бир пайтлар туманининг ривожланишдан орқада қолган ҳудудларидан бири эди. Аксарият аҳоли ишсизлик сабаб, меҳнат мигранти сифатида хорижда ишлаган. Маҳалла "еттилик"нинг қўллаб-қувватлови, қолаверса, фуқароларнинг ўз ташаббуси билан ҳудуд катта ўзгаришларга юз тутди.

Маҳаллада 670 та хонадон бўлиб, унинг 300 тасида иссиқхона ташкил этилган. Тўрт мавсумда ҳам лимон, бодринг, помидор, турли сабзавот ва кўкат экинлари етиштирилмоқда.

– Маҳалламизнинг ўсиш нуқтаси – узумчилик ва томорқачилик. Аввал аҳоли вакиллари орасида иссиқхонадан даромад топаётганлар сони элик нафарга етарди ҳолос. Утган уч йил давомида яна 250 та хонадонда 5-10 сотихлик иссиқхоналар ташкил этилди. 200 та хонадон банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига, 50 таси ўз маблағи эвазига бунёд этиди. Маҳаллага лидер тадбиркорни бириктириш орқали, йилгига икки-уч мартаба помидор ва бодринг етиштириш йўлга қўйилди. Маҳсулотларимиз

Россия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларига экспорт қилинмоқда. Натижада ҳар бир хонадон йилгига ўртача 100-200 миллион сўмгача даромад топтомоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Қўличбек Аҳмедов.

Сайфиддин Мухибуллаев чет давлатда ишлаб қайтганидан сўнг, ўз имкониятини кенгайтириш мақсадида 30 миллион сўм кредит олди ва томорқасида замонавий иссиқхона ташкил этди. Экинлар томчилиги сўғорилаётгани сабабли оқва сув муаммоси йўқ. Баҳорги мавсумда бодрингдан 60 миллион сўм даромад топти. Айни кунларда иссиқхонада помидор етиштирилмоқда. Камида 80 миллион сўм фойда олишни мақсад қилган.

"Ишнинг қўзини билганга томорқа катта даромад манбаи", дейди яна бир миришкор деҳқон Аҳроржон Ибрагимов. У ўз ташаббуси билан 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, 10 сотих ер майдонда замонавий иссиқхона қурди. Ун беш нафар ёш иш билан банд қилди. Айни кунларда пишиб етилган помидор ички бозордан ташқари, қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Айтишича, олинадиган даромад камида 200 миллион

сўмни ташкил этади. Совуқ мавсумда янги сабзавотларга бўлган талаб юқори бўлишини ҳисобга олсак, иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари яхши даромад келтириши табиий.

Икки йил аввал Гўлчеҳраҳон Умарованинг оилавий шариоити инобатга олиниб, маҳалла фуқаролар йиғини тавсиясига кўра, унинг томорқасида иссиқхона қуриб берилди. Опа озгина ердан кўп даромад олиш ниятида фарзандларини ёнига олиб, яшаш ниятлар билан иш бошлади. Бодринг, помидор, қалампир, қарам, пиёз, булғор қалампир етиштириляпти. Томчилиги сўғориш тизимининг жорий этилиши катта самара бермоқда – намлик меъёрида сақланяпти, ҳосил сифатли ва мўл бўлмоқда. Бир йилда олинган даромад 300 миллион сўмга етди.

"Зилон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли ҳозирда иссиқхонада цитрус меваларни етиштириш бўйича тажриба олиб бормоқда. Яқин йилларда бозорларимизни Олтиариқ цитруслари эгаллашига шак-шубҳа йўқ.

М. МАҲМУДОВА.



Yoshlar SAHIFASI



Izlanuvchan yosh olim

YOSHLAR – HAR QANDAY JAMIYATNING ENG BEBAHO BOYLIGI, UNING ERTANGI KUNI VA TARAQQIYOTINI BELGILOVCHI ASOSIY KUCHDIR. KELAJAK EGALARI ORASIDA O'Z MEHNATI, ILMIIY IZLANISHLARI VA QAT'IYATI BILAN JAMIYATDA MUNOSIB O'RIN EGALLAB KELAYOTGANLAR TALAYGINA.

Xurshidbek Tolibjonov erishgan natijalari bilan tengdoshlariga munosib o'rnak bo'lmoqda. U Qo'qon universitetida talabalik chog'larida ilmiy faoliyati va liderlik ko'nikmalarini shakllantirdi. A'lo baholarga o'qishi va ma'naviy-ma'rifiy tadbirlardagi faolligi tufayli "Rektor stipendiyasi" sovrindori bo'ldi. Izlanuvchan talaba O'zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendiyasi tanlovida ham g'oliblikni qo'lga kiritdi.

xalqaro ilmiy anjumanlarda muntazam ishtirok etadi, 50 dan ortiq ilmiy-ommabop maqolalar, monografiya va qo'llanmalar muallifidir. Xurshidbek startap va innovatsion g'oyalarga qiziqishi sababli "QU innovatsion" tanlovida 2-o'rinni egalladi, BMTning "Startap tashabbuslari" dasturining final bosqichi ishtirokchisi bo'ldi. Uning loyihalari respublikamizda o'tkazib kelinayotgan hakatonlarda mutlaq g'oliblikni qo'lga kiritdi. Qozog'istonda o'tkazilgan "Eng yaxshi yosh olim" tanlovidagi yutug'i Xurshidbekning ilgama chanqoqligini yana bir bor tasdiqladi.

Ahliddin TURSUNOV,
Farg'ona davlat universiteti magistranti.

BIR XALQNING TURMUSH TARZI, SIYOSIY VA MADANIY HAYOTI TO'G'IRISIDA BILMOQCHI BO'LGAN INSON ULARNING MUSIQASIGA E'TIBOR BILAN QULOQ TUTISHINING O'ZI KIFOYA. ZERO, MUSIQA SHUNDAY BUYUK MO'JIZAKI, U TOVUSHLAR ORQALI SO'ZLAB, QALBLARDA KECHAYOTGAN TUYG'ULARNI O'ZI BILAN BIRGA OHANGLANTIRADI.



Musiqqa hamrohimga aylandi

O'zbek xalqining ham moziydan sado berib turuvchi ana shunday boy va bejirim, hech bir xalqqa qiyoslab bo'lmas namunalari behob.

Har birida o'zbek xalqining ruhi, dunyosi, dardlari-yu, orzu-umidlari, yashab turgan hayot tarzi mujassam. Musiqqa insonni umri davomida unga hamroh. U hayotning har bir soniyasini bezab turadi. Ana shu musiqqa – hayotimning bir bo'lagiga aylangan. Chunki bolaligidan unga dunyo hamda qalb uyg'unligini topishga yordam beradi. Musiqani tinglar ekanman, go'yo boshqa bir olamga sayohat qilgandek bo'laman. Har bir kuy menda turli hislarni uyg'otadi: shodlik, tinchlik, ilhom. Ba'zan musiqqa diqqatni jamlashga yordam beradi, ba'zan esa tashvish va charchoqni unutturib, ruhimni ko'taradi. Men turli janrlardagi musiqalarni tinglayman: klassik asarlar, zamonaviy qo'shiqlar... Har biri men uchun alohida ma'no ega. Klassik musiqqa menga go'zallik va uyg'unlikni his ettiradi, zamonaviy musiqqa esa hayot ritmiga yaqinligi bilan jonlantiradi. O'quvchilik paytimda musiqaga qiziqishim tufayli ota-onam bolalar san'at

va musiqqa maktabiga olib borganlar. Fortepiano yo'nalishi bo'yicha 7 yil ta'lim olib, 2021-yilda Farg'ona ixtisoslashtirilgan san'at maktabining "Musiqqa nazariyasi" yo'nalishiga qabul qilindim. O'qish jarayonida ko'plab bilim oldim, san'at sirlarini o'rgandim, dugonalar orttirdim. Yaxshi xotiralar va a'lo baholar bilan bilim maskanini tamomladim.

O'qish faoliyatimni 2023-yildan buyon O'zbekiston davlat konservatoriyasida davlat granti asosida davom ettiryapman. O'tgan uch yil mobaynida "Musiqqashunoslik" yo'nalishida ustozlarimdan saboq olib, soha bo'yicha bilim va ko'nikmalarimni boyitdim, musiqqa bo'yicha tasavvurim, dunyoqarashim kengaydi. Shu davr ichida ko'plab konferensiyalar, tanlovlar va tadbirlarda faol qatnashib kelmoqdaman. Bir necha marotaba sovrinli o'rinlarni egalladim.

Talablikning oltin davrida do'stlarim bilan birgalikda ham bilim, ham olam-olam yorqin xotiralar olmoqdamiz. Asosiy maqsadim – kelgusida hayot yo'lida hamrohimga aylangan musiqiy olamdan yanada bahramand bo'lish barobarida, o'zbek musiqiy nazariyasini yanada boyitish, uning yangi qirralarini kashf etish.

Xursanoy VOHOBOVA,
O'zbekiston davlat konservatoriyasi "Musiqqashunoslik" yo'nalishi talabasi.

Noming o'chsin, yovuz ajralish...

"Farg'ona haqiqati" gazetasi chop etilgan "Murg'ak qalb nolasi" maqolasida keltirilishicha, ortib borayotgan ajrimlar jamiyatimizning eng og'riqli masalalaridan biri bo'lib qolmoqda. Mamlakatimizda so'nggi yillarda nikohlar soniga nisbatan ajrimlar 15-20 foizni tashkil etadi. Ajrimlarning qariyb yarmi turmushning dastlabki 5 yili ichida ro'y bermoqda ekan.

Afsusi, ajrimning katta og'irligini farzandlar ko'taradi. Ruhshunoslarning tadqiqotlariga ko'ra, ota-onasi ajrashgan bolalarda xavotirlik va qo'rquv kuchayadi, o'ziga ishonch, maktabdagi o'qish ko'rsatkichlari pasayib, diqqat tarqoqligi kuchayadi. Noto'liq oilalarda voyaga yetgan bolalar kelajakda o'z munosabatlarida ham barqarorlikni topishda qiynalishadi. Ayrim hollarda, ota-onaning o'zaro ziddiyatli bolaning xotirasida chuqur iz qoldirib, depressiya yoki tajovuzkorlik kabi ruhiy muammolarga sabab bo'ladi.

Ajrimlarning asosiy sabablarini tahlil qilganimizda, er-xotinning bir-birini tushunmasligi, muammolarni muhokamasiz hal qilishga urinishi ko'zga tashlanadi. Bundan tashqari, iqtisodiy qiynchiliklar va moddiy ta'minot masalalari, oilaviy zo'ravonlik, mehr va e'tibor yetishmasligi ham asosiy omillar sifatida ta'kidlanmoqda.

Oila mustahkamligiga uchunchi shaxslar aralashuvi, qaynata-qaynonalar bilan kelishmovchiliklar, internet va ijtimoiy tarmoqlardan noto'g'ri foydalanish oqibatida vujudga keladigan ishonchsizliklar ham minglab oilalarning jar yoqasiga keltirib qo'yyapti.

Shuningdek, turmush qurishdan oldin psixologik tayyorgarlikning sustligi, yoshlarda ruhiy daldaning yetishmasligi ham ajrimlarning ortishiga sabab bo'lmoqda.

Eng katta muammo – er va xotinning bir-birini ehsita olmasligidir. Kichik nizolar vaqtida murosalar qilinmasa, ular yillar davomida to'planib, katta mojaroga aylanadi. Shunda ikki tomon ham "adolat izlash" yo'lida farzandlar ruhiyatini unutib qo'yadi. Natijada, ajrim faqat huquqiy jarayon emas, balki butun oila uchun og'ir psixologik sinovga aylanadi.

Muammoni yengillashtirish va ajrimlarning oldini olish uchun nikohdan oldin psixologik maslahatlar tizimini kengaytirish yaxshi samara beradi.

Mahallalarda yarashtirish kengashlari faoliyatini kuchaytirish, oilaviy psixologlar xizmatini har bir tumanida yo'lga qo'yish, er-xotin o'rtasida ochiq muloqot madaniyatini shakllantirish farovon va ruhiy tomondan barqaror oilalar ko'payishiga asos bo'la oladi.

Oila – shunchaki ikki inson ittifoqi emas, balki jamiyatning eng muhim bo'g'ini. Ajrimlar ko'payishi jamiyat barqarorligiga ham, farzandlarning kelajagiga ham tahdid soladi. Bugun har bir ajrim ortida bir bolaning ko'z yoshlari, bir yurakning bo'shab qolgan quvonchi borligini unutmasligimiz kerak.

Shunday ekan, oila muqaddasligini asrash nafaqat davlat yoki mahalla tizimi, balki har bir er-xotin, har bir ota-onaning bevosita burchidir.

Ozodabonu RUSTAMOVA.



"Ustozim muvaffaqiyatlarim sababchisi"

FARG'ONA TUMANINING MINDON QISHLOG'IDA DUNYOGA KELGAN XUMORABONUNING HAYOT YO'LI, SPORTDAGI ILK QADAMLARI, YURT SHA'NINI, BAYROG'INI YUKSAKKA KO'TARGAN G'ALABALARI SABR, IRODA VA USTOZIGA BO'LGAN CHEKSIZ HURMAT BILAN SUG'ORILGAN. UNING HAYOTIDA BURELISH YASAGAN INSON LAZIJON SHARIFJONOVDIR. KATTA TAJRIBAGA EGA MURABBIY YOSH VA IRODALI QIZNING SHIJOATINI KO'RIB, UNI MAHORATLI SPORTCHI ETIB TARBIVILASHGA AHD QILGANDI. OTA-ONASINING ROZILIGI BILAN XUMORABONUNING FURQAT TUMANIGA OLIB KELADI.

– Men boks musobaqalarida qanday muvaffaqiyatga erishgan bo'lsam, avvalo, murabbiyning mehnati samarasidir, – deydi u. Xumorabonu Mamajonovning sportdagi natijalari uning mahorati, qat'iyyati va maqsad sari yo'nalgan intilishining yorqin dalilidir. So'nggi yillarda u ikki karra Osiyo chempioni, Jahon kubogi sovrindori,

bir nechta xalqaro va respublika musobaqalari g'olibiga aylandi. 2019-yilda yoshlar o'rtasida O'zbekiston chempioni, 2021-yilda O'zbekiston kubogi g'olibi, 2022-yili esa ikki karra bronza medali sohibi bo'ldi. Yillar shu tariqa uni yuksalish tomon chorlamog'da. Yutuqlari ortida izchil tayyorgarlik, kuchli xarakter, sportchiga xos ruhiy barqarorlik yotadi. Xumorabonu Mamajonova sport bilan shug'ullanish barobarida, oliy ta'lim olmoqda. U Qo'qon davlat universitetining 2-bosqich talabasi.

Ringda keskin, chaqqon, tezkor ko'rinsada, u tabiatan muloyim qiz. Ayni kunlarda Tailandda tashkil etilayotgan xalqaro musobaqalarga tayyorgarlik ko'rmoqda. Shuningdek, kelgusi yilda bo'ladigan O'zbekiston va Osiyo chempionati, Osiyo o'yinlarida ishtirok etishi kerak. Xumorabonuning bu musobaqalarda ham avvalgidек g'alaba qozonishiga ishonchimiz komil.

Durdona G'OFFOROVA.



Yutuqlar bilim, mehnat ortidan keladi

UMRIMIZNING HAR LAHZADA BILIM OLISH, HUNAR EGALLASH, KELAJAK UCHUN ZAMIN YARATISH DAVRIDA YASHAMOQDAMIZ. ZERO, G'ANIMAT YILLARNING CHEKSIZ IMKONIYATLARIDAN UNUMLI FOYDALANISH ORQALI KELAJAGIMIZNI KAFOLATLAYMIZ.

yetkazish ko'nikmalarim shakllandi. Bir paytlar faqat qiziqish uyg'otgan sohalar endi hayotimning ajralmas qismiga aylandi.

Boshlangan ishni davom ettirish, har kuni bir qadam bo'lsa ham rivojlanish sari yurish, yangilikka intilish g'oyasi kunlik rejalarning asosini tashkil etmoqda. Universitetdagi o'qishdan tashqari, til markazida ingliz tilidan dars beryapman. Imkoniyatlar ko'p, ularni faqat izlab topish va undan samarali foydalanish kerak. "Ibrat farzandlari" orqali 20 dan ortiq til o'rganish, "Ustoz AI" yordamida zamonaviy kasblarga ega bo'lish, "UzChess"da shaxmatni mutaxassislardan o'rganish – bepul, qulay va barcha uchun ochiq. Shunga qaramay, eng muhim omil – insonning o'z mehnati va intilishida.

Ostonamizda eshik qoqib turayotgan o'rta yosh bizzdan olingan bilimlarni amaliyotga bog'lab, moliyaviy mustaqillikka erishishni talab qiladi. Agar hozirgi kuch-g'ayratimizni to'g'ri yo'nalishga qaratmasak, ertaga pushaymonlik girdobiga tushib qolish hech gap emas.

Muvaffaqiyat kishiga tayyor holda berib qo'yilmaydi. U bilim, mehnat bilan, izlaganning yo'li har doim ochiq. Kuch, ishonch va harakat bo'lsa, har qanday maqsadga erishish mumkin.

Dostonbek ALIJONOV,
Farg'ona davlat universiteti talabasi.

Yaponiya ta'limi: Haqiqiy rivojlanish – fanlar sonida emas

Yapon mo'jizasining asosi maktab ta'limidan boshlanadi. Ular bugungi o'quvchi – ertangi davlat ustuni ekanligiga to'la ishonishadi. Tajriba almashish maqsadida ushbu davlatga qilgan safarim chog'ida bu fikrlar o'z tasdiqini topdi. Tokio prefekturasining Sugunami tumanidagi bir qator maktablar faoliyati bilan yaqindan tashdidik. E'tiborni o'ziga tortadigan jihat shundaki, Yaponiyada ta'lim nafaqat bilim berish, balki bolalarning shaxsiy rivoji, axloqiy tarbiyasi va hayotga tayyorgarligiga qaratilgan kompleks jarayondir. Bola birinchi kundanoq talabni, o'z vaqtida harakat qilishni, jamoada ishlashni o'rganadi. Davlatning barqarorligi va rivojlanishi aynan shu odatlardan kelib chiqqan.

O'quvchilar birinchi sinfdan boshlab o'zini jamiyatning muhim a'zosi sifatida his qiladi. Ular maktabni o'zlari tozalaydi, ovqatlarni birga tayyorlashadi, bir-biriga yordam berishni odat qiladi. Bu yaponlarda mas'uliyat va kamtarlikni shakllantiradi. Xususan, Sugunamiyidagi maktablarda "Insonni, vaqtini va narsalarni qadrlash", "Bir-birini qo'llab-quvvatlab o'sish" kabi shiorlar amaliy mazmun bilan boyitilgan.

Dars jarayonlarini kuzatar ekanman, yaponiyalik o'qituvchilarning fanni hayot bilan bog'lab o'rgatish borasidagi tajribalarini e'tiborimni tortdi. Masalan, 4-sinf matematika darsida mavzuga doir amaliy tahlil ishlari olib

DUNYODA "YAPON MO'JIZASI" DEGAN IBORA BEKORGA ISHLATILMAYDI. BU ATAMA KUNCHIQRAR MAMLUKATNING QISQA VAQT UCHIDA RIVOJLANGAN, TARTIB-INTIZOMLI VA INNOVATSION DAVLATGA AYLANISHIGA BERILADIGAN BAHO.



borildi. O'quvchilar real vaziyatlarni o'rganib, jadvallar tuzishdi, xulosalar chiqarishdi va shu orqali matematika faqat hisob-kitob emas, balki voqealarni anglash vositasi ekanini his qilishdi.

7-sinf tabiiy fan darsida "Karbonat angidridning hosil bo'lishi" mavzusi muammoli savollar orqali ochib berildi. Dars jarayonida guruhlar amaliy tajribalar o'tkazdi, hatto arxitektor taklif etilib, fanlararo bog'lanishning ahamiyati amaliy ravishda namoyish etildi. Bu dars bolalarda ekologik tafakkur, kuzatuvchanlik va ilmiy yondashuvni shakllantirishga xizmat qilar ekan.

Shuningdek, tabiiy fanlar bo'yicha o'quvchilarning maktab bog'ida o'simliklar yetishtirishi, ularning o'sish bosqichlarini kuzatishi, natijalarni qayd etishi – ta'limning

hayotiy va amaliy yo'naltirilganligining yorqin namunasidir. Bir so'z bilan aytganda, Yaponiya ta'lim tizimi o'quvchi ongini bilim bilan boyitishdan tashqari, uning shaxsiy rivoji, madaniyati va jamiyatdagi o'rni ham jiddiy e'tibor qaratadi.

Tajriba almashish davomida haqiqiy rivojlanish faqat fanlar sonida yoki zamonaviy binolarda emas, bolaga kichik yoshdanoq mehnatsevarlik, tartib-intizom va mas'uliyatni o'rgatishda ekanligini angladim. Mo'jiza degan narsa osmondan tushmaslik, uni insonning o'zi yaratishi yana bir bor amin bo'ldim.

Umida TILLABOYEVA,
Oltiariq tumani, 32-umumi o'rta ta'lim maktabining kimyo fani o'qituvchisi.

Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар

“ЯШАГИМ КЕЛАДИ, ДАРЁДЕК УЙҒОҚ!”

дейди муаллима Дилафрўз Қўчқорова



Маънавият ва маърифат тарғиботчиси, нафақадаги ижодкор-ўқитувчи Қосимжон Солиев анчадан буюн “Сизни бир инсон ҳузурига олиб бораман, у менинг шоғирдим. Дили шикаста муаллима Дилафрўз Қўчқорова ҳақида бир нарса ёзарсиз” дерди.

Бешариқ тумани, “Сойлаби” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Шўрқилшоққа йўл олдиқ. Бу масканда захкаш, шўр қоплаган ерни учратмай-сиз. Аксинча, яшиллик барқ урган, сўлим манзарали, кавсар сувлари лиммо-лим оқиб турган сой, ширин-шакар мевали боғлари бор қишлоқ экан.

Йўл ёқаси, ҳовлилар олдидаги хушманзара гулзорлар, иморатбоп бўлиб қолган теракзор, куз нафаси ўрик туғларига қизил тўнани ташлаб улгурган. Бақатеракларнинг сокин ва улғуворлиги сизга нималарнидир сўзлаётгандек бўлади.

Одамлари меҳнатда тобланган, унинг роҳати ва файзини яхши билишади.

Муаллима Дилафрўз Қўчқорованинг қишлоқ марказидаги идорасига кирдик. Ламинатдан ясалиб, деворга илинган тоқчаларда фирма маҳсулотларидан намуналар терилган. Бизни қаршилаб, бир аёл ичкаридан чиқди.

Зиёлилар чехрасида доимо зор бўлиб турадиган ақл ва зийраклик нишонаси балқиган бу аёл билан саломлашдим. У ноғиронлик аравачасида эди!

– Машъум автохалокат келтирган жароҳат натижаси бу, – деди Дилафрўз Қўчқорова ўша кунларни эслаб. – Мени ноғиронлик йиқитди, соғлим эмирилиб, оғир дардга учрадим, энди ҳаётим барбод бўлади, деган ҳаёлдан узоқ вақт қутила олмадим.

Матълумот ўрнида: Дилафрўз Қўчқорова 1984 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Фаргона давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Иш фаолиятини Бешариқ туманидаги 33-мактабда ўқитувчилардан бошлаган. Уч қиз ва бир ўғли бор. 2020 йил 24 сентябрда аттестация топириши учун Фаргона шаҳрига кетаётганида йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 1 гуруҳ ноғирони бўлиб қолган.

У синовдан муваффақиятли ўтиб, билимларидаги кемтик жойларини тўлдиришни ният қилиб йўлга чиққанди. Шу бахтсизлик юз бермаганди... Касбига бир умрга етгулик меҳр-муҳаббати бор эди. Афсуски, ноғиронлик аравачасига миҳлаиб қолди.

– Автохалокат ширин ҳаётимнинг илдизини сўғуриб ташлади гўё. Меҳнат қилиш лаёқатидан маҳрум бўлганим етмаганидек, бошимга ташвиш тушиб, изтиробда қолганимда айрим кимсаларнинг асл қиёфаси ошқор бўлиб қолди...

Сўхбатдошим ҳали оқ ораламаган сочлари устидан дурра ўраган бошини эгиб, сукутга чўмди... Англадимки, у полапонларини бағрига босган қушдек ошёнди ёлғиз қолса-да, ҳеч кимга тана, маломат қилмади. “Энди бугёига нима бўлади? Меҳнат қилмасам, зиммамдаги рўзгорни қандай тебратаман?” деган ўйлар тинчлик бермай кўйди.

– Бу азоблар мени қанча эзмасин, сабр-тоқат билан муолажа олдим, чидам ва сабот билан дўхтирлар буюрган машқларни сўнгги кўчим қолгунча бажариб борадим, – дейди у.

Муаллима юрагини кечаги кунларнинг оғриқли ҳисларидан бўшатмоқ учун чўқур ҳўрсинди, сўнг кўзларининг намини артиб жилмайди.

“Сабр таги – мурод” дейдилар. Соғлиғи тикланиб боргани сайин, вужудидаги охирик алақакёққа чекинди. Бемор қалбида дарёдек уйғоқ яшаш, яратиш, меҳнат қилиш иштиёқи кунлар кетидан ортиб борди.

Юртимиз одамларида кўшиси, маҳалладоши, ҳамкасбларига, бегона назар билан қараш йўқ. Халқимизнинг бутунлиги, миллатимизнинг жиқлиги ва меҳр-оқибати шундай кезларда яққол кўринар экан.

Қишлоқнинг покиза одамлари орасида кори хайр, кўнглида шафқат қотган бирор зотни ҳалигача ҳеч ким кўрмаган. Улар меҳр-эҳсон, шафқату марҳаматни унутадиганлар тоифасидан эмас. Кўпчиликлари далдаси, холис инсонларнинг охиридан бўлиб Дилафрўзнинг кўнглидаги “Рўзгор юкини қандай қасб этганини тўтиб эпласам экан?” деган кўрқув чекинди.

“Сойлаби” маҳалла фуқаролар йиғинидаги маъсуллар туман хотин-қизларининг етакчиси Гулчехра Йўлдошеванинг ёрдами билан тикув машинаси олиб беришди.

Муаллиманинг чеварлик ҳунари қанот ёзди. Туманда фаолият олиб бораётган “Shenwood” фирмаси билан шартнома имзолади. Уйига келтириб берилган даста-даста ярим тайёр кийим-кечакларга ишлов бера бошлади. Топгани оби-тобига етмай қолган кунлар бора-бора ортда қолди. Куч-қувватини меҳнатга, ҳунарига бағишлади. Ҳеч кимга оғирлиги тушмади. Юрагида ҳали ўт сўнмаганини исбот қилди. Тикиш, ишлов бериш билан ярим тунгача кўз нуруни тўққан меҳнатлари эса зое кетмади.

– Дилафрўзнинг тумандаги 33, 34-мактаблардаги сермазмун фаолиятини яхши эслаيمان, – дейди собиқ мактаб директори, устози Абдуқодир Дадабобоев. – Ёшларнинг ғамҳўри, меҳрибон устози, том маънодаги ўқитувчимиз эди. Ҳамкасблари юрагига ўқ ёқадиган одамшаванда, билимдон, иродаси кучли эканидан бутун жамоамиз фархлланарди.

Дилафрўз Қўчқоровага қандай куч бу қадар шахду шижоат, ғайрат бахш этди экан? Сахийликда ҳеч нарса она қалбичалик эмас. Атрофини қуршаб олган касбдошлари, ҳамқишлоқлари, дугоналари ва яқинларининг меҳридан мадад олаётган бўлса ажаб эмас. Шижоатли аёл билан хайрлашар эканмиз, кўзларида умид ва ҳаётга муҳаббат нурлари қақнаб турганини кўрдик.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ, фахрий журналист.

(Бошланиши 1-бетда).

Дабдабазолик, аввало, инсоннинг ўз имкониятидан ортиқ харажат қилишига олиб келади. Айрим оилалар тўй деб қарзга ботаётгани, кейин эса йиллаб уни қайтариш билан овора бўлаётгани – бу ҳолатнинг иқтисодий зарари қанчалик катта эканини кўрсатади. Бундай шароитда тўй қувончли ҳодиса эмас, балки молиявий оғриққа айланади. Иккинчидан, дабдабали тўйлар жамиятда рақобат муҳитини кучайтиради. Кимдир “Фалончи тўйини шундай қилган экан”, деб ундан ҳам ортиқроқ харажат қилишига уринади. Бу эса инсонларни ҳасад ва рив ёйлига етаклайди.

Юртимизда сўнгги йилларда тўй ва маросимларни ихчамлаштириш бўйича бир қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Бу фақатгина расмиятчилик эмас, балки ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган эзгу қадамдир.

“Бош вазирдан бошлаб ҳокимгача, ижро органи раҳбарига тўй-маросимларга бориши ман этилади. Чойхоналарнинг ёнида давлат машинаси турганини кўрган куним ишдан олиб ташлайман, жиноий жавобгарликка тортман. Тўй энг кўпи 150 кишига, ош 200 кишига бўлади. Бирорта раҳбар уйда туғилган кунини ҳам, тўйини ҳам мендан бошлаб нишонламайди. Бўлди, у замонлар тугади энди, одамларнинг гашини келтиряпмиз, лаянати келтиряпмиз... Хиёнат қиляпмиз халқимизга, тўйларни агар жойига қўйсак, коррупция бўлмайди, адолат пайдо бўлади!...” Юртбошимиз айтган ва кўплаб мулоҳазаларга сабаб бўлаётган ушбу фикрлари ниятда долзарб ва айни ҳақиқат эканлиги аллақачон исботини топди.

Аммо яна бир ҳақиқат бор ва у “ҳолва деган билан оғиз чучимаслиги” ҳақидаги нақл билан изоҳланади. Ваҳоланки, тўй-ҳашамлардаги ортиқча дабдабазоликлардан қатъиян билан воз кечилмаса, айниқса, келин томондан сарпо-суруқ, мебель, телевизор музлаткич, чангюткич, кўрпа-ёстиқ қилиш, ҳаттоки қудалар ашайдиган хоналарга гилам тўшаб, деразаларга парда осиб билан боғлиқ мутлақо бемаъни харажатларга чек қўйилмаса, улар худдики газак боғлаган яра сингари тобора кенг тарқалиб, ҳаттоки бутун бошли жамиятга азият етказаверади.

Диққат билан кузатсангиз, тўй маросимини тантанали ўтказишда худудлар ўртасида пинҳона кураш кетаётгандек. Самарқандда қариндош-урурдан тортиб, тўйга келган меҳмонларга тилла совға қилиш, ҳашаматли дастурхон безатиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш авж олган бўлса, водий вилоятларида келин томонга ҳаддан зиёда “солиқ” солиш, баъзида номига тил келишмайдиган чет эл машиналари қортежидан фойдаланиш тобора кучайиб бормоқда.

Ҳақиқат маърифатпарварларидан бири Ҳожи Муин 1919 йилда “Тўй ва аза маросими ҳақида” номли мақоласида билдирган ушбу фикрларга бир эътибор беринг-а: “...илмсизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остин-

да эзилиб, мунинг учун ахлоқий ва молий жиҳатдан гоят кўб зарарлар кўрмакда бўлгон бир миллатмиз. Бизнинг халқ “мол ва хон кетса кетсун, обрўи кетмасун”, жатна ёки никоҳ ва ё аза маросимини ўрнуға кетурмак учун қўлларида бор нарсаларини 1-2 кунда барбод этадилар, қарздор бўладилар. Қарзларини адо эта олмағач, охири, “Молни одам топар, одамни мол топмас”, деб ўз боғ ва ҳовлиларини сотиб, қарзларига берарлар”.

Афсуски, орадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтса-да, ушбу фикрлар долзарблигини йўқотмаган. Ўзбекистонда “Оқилона истемол” дастурини амалга ошириш доира-

маросимида 250 нафаргача киши қатнашиши мумкинлиги белгиланган. Қўшалоқ тўй-ҳашамларда ҳам 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши мумкинлиги белгиланган.

Миллий аъналарга ёт, одо-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шуоларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни (“куёв навқари”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “куда чақирди”, “куёв чақирди”, “келин чақирди”, “тоғора юбориш” ва ҳоказоларни) ўтказишга

нинг кўринишини бузаяпти” деб янги келинга кун бермабди. Ҳамкасбим йил бўйи йиғиб терганини сарфлаб бўлган эмасми, бошини қайси деворга уришни билмай сарсон. Қайтиб келган қизини қайтариб олиб борай деса, қуда томоннинг талаблари орта ортаптки, асло қамаймаяпти. Ёш ва ҳали мустақил фикрлашга ожиз бўлган куёв эса онасининг чизган чизигидан чикмаслики маъқул кўрмоқда!..

Яқинда “Юксалиш” ҳаракати томонидан аҳоли ўртасида юқори тўй харажатларига сабаб бўлаётган омиллари белгилаш, мавжуд аъналарга бўлган жамоатчилик кайфиятини баҳолаш мақсадида “Ўзбекистонда тўйлар” маъносида сўровнома ўтказди. Сўровномадаги “Тўйга тахминан қанча пул сарфлагансиз (ёки сарфлашни режалаштиряпсиз)?” деган саволга респондентларнинг 65,2 фоизи тўйга 50 миллион сўндан 100 миллион сўмгача ёки ундан ҳам кўпроқ сарф бўлишини билдирган. Бу кўрсаткич кўплаб оилалар учун бир йиллик даромадга тенг ёки ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Бу рақамлар шунини кўрсатадики, тўй – кўплаб оилалар учун улкан молиявий юк, уларнинг мавжуд даромадларига мутлақо мос келмайди ва қарзга ботиради, бу эса янги турмуш бошлаётган оилалар ёки уларнинг ота-оналари учун молиявий барқарорликка жиддий ҳавф туғдиради. Респондентларнинг 46,11 фоизи тўйга катта харажат қилишга нима сабаб бўлаётгани ҳақидаги саволга “Жамият босими, элга тўй беришнинг керак деган мажбурият” дея жавоб беришган. Бу энг етакчи сабаб бўлиб, тўй жамият назарида баҳоланадиган оммавий тадбир сифатида қаралиши маданиятимизда чўқур илдириш отганини кўрсатади.

“Уят”дан қўрқиб ва “юзимиз ерга қарамасин” деган истак оилаларни ўз имкониятларидан ортиқча харажатларга мажбур қилмоқда. Шундай қилиб, юқори тўй харажатлари кўпроқ ёшларнинг шахсий танловидан эмас, балки катта иқтисодий босим ва ота-оналар ҳамда жамият кутган умидлар натижасида юзага келаётган ҳолатдир. Шундай экан, тўй – нафақат икки ёшнинг бахти учун эканини кенг тарғиб қилиш, маҳалла, таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали оддийлик ва камтарлиқни кадрлашни илгари суриш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйган тадбирлар юзасидан профилактик сўхбатлар ўтказиш, туманда ёки маҳаллада камхарж тўйлар ташкил этган оилаларни оммага намуна сифатида кўрсатиш, ортиқча тўй харажатларини ёш оиланинг ўй-жойига ёки бизнесига сарфлашни рағбатлантириш, тўй олдида ота-оналар ва ёшлар билан маслаҳат ийгилишлари ўтказиб, ортиқча харажатларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш зарур.

Хулоса қилганда, дабдабани йўқотиш қонун ёки назорат билан эмас, балки онг, маданият ва кадрларни ўзгартириш орқали амалга ошади.

Дурдона ҒОҒОРОВА, “Фаргона ҳақиқати” муҳбири.



“ПУЛ КЕТСА КЕТСИН, ОБРЎ КЕТМАСИН!”

ҚАБИЛИДАГИ ШОН-ШУҲРАТ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАН ТЎЙЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИКАН?

сида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар белгиланган тартибда ўтказилиши қатъий назоратга олинади. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 сентябрдаги 589-сонли қарориди белгиланди.

“Долзарб озиқ-овқат хавфсизлиги даври” деб эълон қилинади. Бунда аҳоли эҳтиёжига етарли даражада ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш чоралари кўрилади. Қарор билан “Оқилона истемол” дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унда, жумладан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар Олий Махлис Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Сенат кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги низом талаблари асосида ўтказилиши тасминланади.

Низомда оилавий тадбирларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш

йўл қўйилмайди. Дафн этиши ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортиқча тадбирларни (“етти”, “пайшанбалик”, “яқшанбалик”, “йигирма”, “қирк”, “ҳайит”, “йил оши”, “пул тарқатиш”, “мато улашиш” ва ҳоказоларни) ўтказиш ман этилган.

Кези келганда яна бир қарра таъкидлаш зарар қилмайдикки, мазкур муаммо тасаввуримиздагидек-да жиддий. 2025 йил бошидан бери, 9 ой ичида Ўзбекистонда 27 000 тадан зиёд оила ажрашган, яна 50 000 га яқин оила ажрим учун судга мурожаат қилган. Демак, турмуш қураётган ҳар икки оиланинг бири ажрим ёқасида.

Урганишлар шунини кўрсатадики, ажримларнинг асосий сабаби ёшларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги бўлса, аризмас сабаблар, тўй мождарлари, дабдабазоликка берилиш ҳам оила пойдеворининг дарз кетишига олиб келмоқда.

Яқинда ҳамкасбим қўшни қишлоққа қиз узатганди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, қудалар ўртасидаги мождаро авж олди. “Мен келиннинг онасига бунақа сарпо қилганим, қудам эса аризманг мато берибди, алмисоқдан қолган мебеллари уйим-

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ



Бугунги кунда жаҳон миқёсида ОИВ (иммунитет танқислиги вируси) инфекциясига қарши кураш соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Фаргона вилоятида ҳам аҳолини хавфли касалликдан ҳабардор қилиш, ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) тарқалишининг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида “Соғлом ҳаёт сари биргалиқда” шиори остида ойлик ўтказилмоқда.

Аввало, ОИТСга қарши курашиш давлат сиёсати даражасида кўтарилгани ва унга барча бирдек маъсулликни айтиб ўтиш жоиз. Бу борада кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. ОИВ инфекциясини вирусининг манбаи бемор ва одам иммунитети танқислиги вирусини ташиб юрувчи шахслар ҳисобланади. Вирус ташиб юрувчидан беморларга нисбатан хавфлироқдир, чунки улар аширин даврда касалликнинг ҳеч қандай аломатларини сезмайди. Бир қарашда соғлом кўринганлари билан, улар 3-6 ойдан бошлаб 10 ва ундан кўп йиллар бошқа шахсларга касаллик вирусини турли йўллار билан юқтириб юриши мумкин.

Инфекция қон ва қон маҳсулотларида, жинсий аъзолари ажратмаларида, кўкрак суттида юқори микдорда учрайди. Вирус терда, сўлакда, сийдикда, наждада ҳам бўлиши мумкин, лекин улар

микдори шу даражада кам бўладики, касалликнинг бошқаларга юқиши ва ривожланиши учун етарли бўлмайди. Касаллик асосан қон, пала-партиш жинсий алоқа, вертикал йўл (онандан болага) орқали юқади. Ҳавотомчи, жароҳатланмаган тери ва шиллик қаватлар, касаллар билан қўл бериб сўрашиш, ўпишиб кўришиш орқали, шунингдек, йўталганда, ака урганда, умумий идиш-тавоқлардан ва телефонлардан фойдаланилганда, қон сўрувчи ҳашаротлар қаққанда юқмайди.

Ҳозирги вақтда Фаргона вилоятида ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият ноҳушлигича қолмоқда. Тахлиллар касалликнинг 70 фоиздан зиёди жинсий йўл билан тарқалаётганини кўрсатмоқда. Мазкур инфекция билан касалланганларнинг 30 фоиздан ортми чет элларга ишлаб қайтган меҳнат мигрантларидир. Шунинг учун ҳам ҳамкасбларимиз томонидан аэропорт, темир

йўл вокзали ва бозорларда тарғибот ишлари олиб борилиб, аҳолининг соғлом турмуш тарзи бўйича онгини ошириш, ОИВ инфекцияси ҳақидаги хато қарашларни йўқотиш ва юртдошларимизни аноним тест топиришга ундаш ишлари олиб боришмоқда.

Афсуски, вируснинг генетик ўзгараувчанлиги туфайли дунё бўйича касалликнинг олдини оловчи вакцина (эмлама дори) мавжуд эмас.

Ҳалимажон СОЛИЕВА, Фаргона вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази эпидемиолог ёрдамчиси.

Фаргона тумани, Ором кўчасида жойлашган “Исмоилжон фаровон келажоги” хусусий қорхонаси номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фаргона тумани, “Сой бўйи” МФЙ ҳудудида жойлашган “Plantasiya soy bo'yi” фермер ўҳжаллиги номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Table with 4 columns: MUASSIS: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalariga fahriyiyati; 2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.; Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Бююртма: 12275.; Бизнинг манзил: 150114, Фаргона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.; Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14.; Саҳифаловчи: Алишер Розиков.; Босишга топириш вақти: 16.00. Топирилди: 15.30.